

## АЛЛОМАЛАР СУВ ИЧГАН ДАРЁ

Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер, дейдилар. Агар ҳисобни шундан бошласак, Миллий университетда беш йил ўқиган ҳар бир талаба бу муътабар даргоҳга икки юз йил салом бериши керак бўлади. Бунинг устига ушбу илм масканида юз минглаб одам таҳсил олган ва бу муддат туқсон йилдан бери давом этиб келаётган бўлса, ҳисоб-китобимиз миллионлардан ошиб кетади. Университет шундай улкан дарёки, унинг сувидан не-не алломалар, арбоблар, шоир ва адиблар сув ичган!

«Талабалик — олтин даврим» деган гап бор. Ростини айтсам, менинг талабалигим унчалик ҳам «олтин» бўлган эмас. Гарчанд мактабни медаль билан битирган бўлсам-да, аввал сиртқи бўлимда, учинчи босқичдан бошлаб кундузги бўлимда ўқишга мажбур бўлдим. «Темирйўлчи», «Қизил Ўзбекистон», «Тошкент ҳақиқати» газеталарида ишлаб туриб, ўқишга тўғри келди. Куннинг биринчи ярмида ўқишга борсам, иккинчи ярмида ишга югурар ёки аксинча булар эди... Аммо талабаликнинг жушқин ва ҳаяжонга тулиқ йиллари ҳамма қатори менда ҳам нурли хотиралар қолдирган.

Биз — талабалар Фулом Каримов, Субутой Долимов, Озод Шарафиддинов, Матёқиб Қўшжонов, Анвар Шомақсудов, Лазиз Қаюмов, Карим Назаров, Тўғон Эрназаров, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Воҳид Абдуллаев, Тоҳир Пидаев, Абдулла Сайфуддинов каби домлалар сабоғини эътибор билан тинглар, уларга ўқашни орзу қилар эдик. Домлаларнинг дарс утиш усули ҳам, талабчанлиги ҳам ҳар хил, бироқ барчаси бирдек фидойи инсонлар эди. Айниқса Озод домланинг дарсига бошқа куллийётлар, ҳатто бошқа институтлардан ҳам талабалар кириб утирар эди. Озод ака ҳеч қандай дафтар, «шпаргалка» кутариб юрмас, сабоғини шу қадар завқ ва ҳаяжон билан утар, фикри шу қадар раво, дарёдек қуюлиб келардики, ҳайрон қолардик.

... Утган асрнинг олтмишинчи йиллари ғалати замон бўлди. Бир қадар ҳушфикрлик шабадалари эсиб, тоталитар тузумнинг миллионлаб беғуноҳ инсонлар бошига солган кулфатлардан оз бўлса-да, огоҳ бўлдик. Ҳамма сиғинган, ҳамма улуғлаган Сталин «халқлар

отаси» эмас, халқлар жаллоди эканини англай бошладик. Мустабид тузумнинг шиорлари ҳар қанча гузал бўлмасин, иморати зулм пойдеворига қурилганини, партия адабиётни «дастёрга», шоирни маддоҳга, журналистни югурдакка айлантирганини тушуна бошладик. Бу масалада биз — ёшларни мустақил фикрлашга аввало Озод ака, Матёқуб Қушжонов ва бошқа устозлар ургатдилар. Озод домланинг имтиҳон олиши ҳам ғалати эди. Чиптадаги саволга «булбулигуё» бўлиб жавоб қилаётганингизда шартта тухтатар, «хуп, мулла, буёғини қойил қиларкансиз, энди айтингчи, энг кейин ўқиган китобингиз қайси, нимаси ёқдию, нимаси маъқул келмади, шундан гапиринг. Солже-нищининг «Иван Денисовичнинг бир куни» қиссасини ўқидингизми, Евтушенкони биласизми, Вознесенскийнинг нимасини ўқигансиз, Хемингуэй қанақа ёзувчи?» деган саволларни қалаштириб ташларди. Домла бежиз шундай қилмаганини кейин англадим. Устоз билан куплаб сафарларда бўлганда, уз машқларимни ўқишга бериб, фикрини эшитганимда Озод ака фақат атоқли олим бўлиб-гина қолмай, виждони уйғоқ Инсон эканига куп бор имон келтирдим...

Чиндан ҳам ушанда биз — талабаларни уйлантирган жавобсиз саволлар анчагина эди. Абдулла Қодирий оқланиб, ўзбек адабиётининг буюк асари — «Уткан кунлар»нинг нашр этилиши тарихий воқеа бўлди. Аммо Чулпонлар, Фитратлар, Усмон Носирлар ва яна талай қаламкашлару олимларнинг шахси оқландию, ижоди негадир «қора»лигича қолаверди. Ажаб, ҳақиқий шоир, ҳақиқий адиб қалбида борини ёзади. Бу ижодкорлар «оқланган» бўлса, демак, яхши одам экан. Яхши одам бўлса ёзганлари нега «қора» бўлиши керак? деган саволга жавоб йўқ эди. Биз, табиийки, бу масалада ўзимиз ихлос қўйган домлаларга мурожаат қилардик. Бука туманидаги пахтазорларнинг тили ва хотира қобилияти бўлганда эди, салқин куз кечалари гулхан атрофида утириб, бир талай ёшларнинг устозларга шундай оғриқли саволлар берганию, домлаларнинг жавобини айтиб бериши мумкин эди. Бундай пайтда Озод ака Чулпоннинг куплаб шеърларини ёддан ўқир, сўнг хўрсиниб бир гапни куп такрорлар эди. «Чулпон — буюк шоир. Курасизлар, ҳали бу шурпешона шоирга ҳайкаллар қўйилади!» Худога шукр, Ватан Истиқлоли шарофати билан Чулпон ва талай адиб, шоир, олиму уламоларнинг пок номи тикланди.

Биз қаттиқ ҳурмат қиладиган домлалардан яна бири Матёқуб Қушжонов эди. Айтишларича, Матёқуб ака урушда снайпер бўлган экан. Снайпер бўладиган одамга аввало сабр-бардош, мустаҳкам асаб керак! Матёқуб аканинг феълида чиндан ҳам қандайдир осойишталик бор эди. Домла лекцияларини сокин овозда ўқир, ҳар бир жумласида теран мантиқ сезилиб турар, «болалар»нинг жиловсиз са-



волларига ҳеч қандай «эмоция»сиз жавоб қайтарар ва бу билан бизни ҳам шошилмасдан, мантиқий фикрлашга даъват этаётгандек булар эди.

Талабаларга бадиий ижод ва журналистика сирларини ургатган Аҳмад Алиев, Баҳодир Фуломов, Раҳматилла Иноғомов, Ҳасанхужа Муҳаммадхўжаев, Очил Тоғаев, Саттор Ҳайдаров каби таниқли олимлар ёшлар қалбидан ўзига хос урин олгани шубҳасиз.

Биз талабалар учун энг ҳаяжонли дамлар — атоқли адиб ва шоирлар билан учрашувлар эди. Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад сингари атоқли ижодкорлар билан юзма-юз мулоқотда бўлиш, ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олиш унутилмас таассурот қолдирарди. Филология, журналистика факультетларида ижодий муҳит барқ уриб турар, ижодкор талабаларнинг илк шеърӣй тупламлари, ҳикоя ва қиссалари талабалар орасида қизғин муҳокама қилинарди.

... Шундай қилиб, каминанинг «олтин даври» трамвайга осилиб, гоҳ газета таҳририяти, гоҳ университет аудиториясига югуриш билан ўтди. Албатта, бунинг ўзига хос мушкулликлари бор эди. Талабалар пахта майдонида «жавлон уришга» мажбур бўлган куз ойлари таҳририят раҳбаридан рухсат олиш, стипендия тегиб «бойдода» бўлган кунлари эса Пушкин парки (ҳозирги Қодирий боғи)га кириб тўйгунча пивоҳурлик қилишнинг ҳам иложи қийин эди. Аммо «ҳар ёмоннинг бир яхшиси бор» деганларидек, ишлаб туриб ўқиганим диплом олишда қўл келди. Давлат имтиҳони ўз йулига, диплом иши ҳам ёзиш керак эди. Бу масалада диплом раҳбарим Воҳид Абдуллаевга ўзимни қизиқтирган мавзунӣ айтган эдим, домла кутилмаганда сураб қолди. «Адашмасам, сизнинг очерклар китобингиз чиққанди шекилли?» деди. Учинчи босқичда ўқиётганимда «Пулат чавандоз» деган китобим нашр этилган эди. Домла мени етаклаб декан — Анвар ака Шомақсудов ҳузурига олиб кирди. Ҳар икковлари мен мутлақо кутмаган гапни айтишди. «Биз бўлажак журналистларни нега беш йил ўқитамиз? Шундай нарсалар ёзсин, китоб нашр эттирсин, деймиз. Шу китобнинг ўзи ижодий диплом-ку!»

Ростини айтсам, ўшанда бир мушкулликдан қутқарган домлаларимдан ниҳоятда миннатдор бўлдим...

... Йиллар ўтиб сабоқ берган устозларимнинг купӣ билан янаям қадрдон бўлиб кетдик. Нимаики ёзсам, уларнинг назаридан ўтказишга ҳаракат қилдим, холис маслаҳатларидан фойдаландим... Миллий университетнинг минглаб толибларидан бири сифатида мана шу муқаддас дарё сувидан баҳраманд бўлганимдан фахрланаман. Бу дарёдан не-не улуғ инсонлар сув ичган ва бундан кейин ҳам баҳраманд бўлади.